



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 22 ноябрь, № 227 (6157)

Шанба

## ОҚСАРОЙДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 ноябрь куни Оқсаройда Швейцария Конфедерацияси Президенти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раиси Дидье Буркхальтер билан учрашди.



(Ў.А.)  
Фарход ҚУРБОНБОЕВ  
олган сурат.

### ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОГИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 2014 йил 24 — 25 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлади.

Олий даражадаги учрашув ва музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги самарали ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид кенг кўламли масалалар муҳокама этилади. Давлат раҳбарлари долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашадилар.

### Интеллектуал салоҳияти юксак авлод

Бухоро шаҳрида “XXI аср — интеллектуал авлод асри” шиори остида ёш олим ва талабаларнинг республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

#### АНЖУМАН

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ЎзФА, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, анжуманининг нуфузини ошириш, қамровини кенгайтириш мақсадида уни икки, яъни худудий ва якуний босқичда ўтказиш белгиланган. Худудий босқичларда республикамиз таълим ҳамда илмий муассасаларидан икки минг нафардан зиёд иқтидорли талаба ва олимлар ўз илмий мақолалари билан қатнашди. Якуний босқичда эса худудий анжуманлар ғойиблари иштирок этди.

Тадбирнинг очилиш маросимида қатнашчилар

юртимиз илмий салоҳиятини ўзида муассамлаштирган кўргазма билан танишдилар. Унда сўз олганлар мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши, илмий салоҳиятини юзага чиқариши учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида тўхталиб, навқирон авлод вакиллари мазкур имкониятлардан оқилона фойдаланишга тўғри келишига эътибор қилди.

Анжуманда мамлакатимизнинг турли олий ўқув йурида тахсил олаётган иқтидорли талабалар ҳамда илмий тадқиқот ишлари билан машғул ёш олимлар халқ хўжалигининг долзарб масалаларига бағишланган мавзуларда маърузалар қилди. Якунда энг мазмунли ва илмий жиҳатдан мукамал деб топилган маъруза муаллифлари ҳамда фаол иштирокчилар ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

Истам ИБРОҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

### ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОГИСТОН: ҲАМКОРЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИКНИНГ КЎП АСРЛИК АНЪАНАЛАРИ

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жорий йилнинг 24 — 25 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Қозоғистон Республикасида бўлади.

Бу мамлакатларимиз ўртасида 1992 йилнинг ноябрь ойида дипломатия муносабатлари ўрнатилгандан бери олий даражадаги 16-учрашувдир.

Қозоғистон Ўзбекистон учун Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкорлардан бири саналади. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар халқларимизнинг тарихан яқинлиги, икки томонлама сиёсий ва иқтисодий манфаатлар, шунингдек, иқтисодий, молия, экология, илм-фан, қишлоқ хўжалиги, маданият, таъ-

лим, спорт ҳамда бошқа соҳаларда тобора мустақамланиб бораётган кўп қиррали ўзаро манфаатли алоқалар асосига қурилган.

Барча даражалардаги сиёсий мулоқотларнинг ўсувчанлиги конструктив ҳамкорлик натижаси сифатида бугунги кунга қадар икки томонлама аҳамиятга молик бўлган 165 та ҳужжатнинг имзоланишига кўмаклашди. 1998 йилнинг 31 октябрь куни имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республика-

си ўртасида Абдий дўстлик тўғрисидаги Шартнома ҳамда 2013 йилнинг 14 июнь куни имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги Шартнома улар орасидаги асосий ҳужжатлар сирасига кирди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон БМТ, ШХТ, МДХ ҳамда бошқа қатор халқаро тузилмалар доирасида мунтазам алоқаларни қўллаб-қувватламоқда. Бу мамлакатларимизга му-

хим муаммоларни муҳокама қилиш, баҳсли масалаларни ҳал этишнинг ягона механизмини ишлаб чиқиш, шунингдек, турли соҳаларда мавжуд салоҳиятни фаол ривожлантириш имконини бермоқда.

Хар икки республика минтақавий ва умумбаршарий хавфсизликка, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга алоқадор кўпгина масалалар юзасидан ўхшаш нуқтаи назарга эга эканлиги баробарида, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро наф қўриш ва бир-бирининг манфаатларини хурмат қилиш тамойилларига риоя этади.

(Давоми 2-бетда).

## Ёшлар сайловда фаол қатнашади

Шу йилнинг 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Унда миллионлаб ҳамюртларимиз, шу жумладан, биринчи марта овоз берадиган йигит-қизлар ҳам қатнашади.

#### САЙЛОВ — 2014

**Азамат ШАРИПОВ,**  
Тошкент давлат юридик университети талабаси:

— Маълумки, сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим қисми, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини билдиришнинг асосий шакли ҳисобланади. 21 декабрь куни фуқароларимиз мамлакатимизнинг истиқболдаги тараққиёт йўлини белгилаб олади. Мен давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловда иштирок этаётганимдан жуда ҳам гурурланаман. Бу мен учун юртимиз тақдирига ўз ҳиссамни қўшиш имконияти ҳамдир. Тошкент давлат юридик университетининг фуқаролик ҳуқуқи факультетида тахсил оламан. Бугун республикамизда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини, фуқаро-

ларнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Ишончим комилки, Ўзбекистон парламенти ва маҳаллий Кенгашларга юксак фуқаролик масъулиятига эга инсонлар сайланади.

**Исламбек ҚУТБИДИНОВ,**  
тадбиркор (Наманган вилояти):

— Мен учун мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги муҳим воқеада қатнашиш катта масъулиятли вазирадир. Зотан, ўз келажагимни юртимиз миллий иқтисодиёти ривожланиши ва аҳоли фаровонлиги юксалиши билан муштарак тарзда қўраман. Республикаимизда тадбиркорлик давлат томонидан кенг миқёсда қўллаб-қувватланаётган

ни, айниқса, диққатга сазовор. Мазкур саъй-ҳаракатлар пировадидида кичик бизнес изчил суъратлар билан ривожланишида муҳим омили бўлмоқда. Шу сабабли сайловларда биринчи мартаба иштирок этиб, иқтисодиёт соҳасида кечаётган самарали ислохотларнинг мантиқий давоми ўз ифодасини топган сайлововли платформаси учун овоз бераман.

**Анна МУСТАЕВА,**  
Навоий давлат педагогика институты талабаси:

— Шу йилнинг 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларда илк бора қатнашиш орқали ўз конституциявий ҳуқуқимдан фойдаланиб, фуқаролик бурчимни адо этаман. Ушбу муҳим жараён ара-

фасида сайлов қонунчилигини чуқур ўрганаёلمиз, тенгдошларим билан жуда кўп масалаларда баҳс юритаёلمиз, фикр алмашаяёلمиз. Бугун ёш авлод вакиллари республикамиз аҳолисининг катта қисмини ташкил қилмоқда. Биз Ватанимизнинг ёрқин келажаги, юртимиз равнақи учун барча саъй-ҳаракатларини йўналтирадиган номзодлар сайлашини хоҳлаймиз.

**Сарвар КАБИРОВ,**  
Янгийўл ижтимоий-иқтисодий коллежи ўқувчиси:

— “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзосиман. Бошқа тенгдошларим сингари коллежимиз, шаҳримиз ижтимоий ҳаётида фаол қатнашиб келаман. Ўқитувчиларимиз сайловлар жуда муҳим сиёсий тадбир эканлигини, бунда бизнинг овозимиз ҳал қилувчи аҳамият касб этишини таъкидлашади. Менинг овозим юртим келажаги учун катта аҳамиятга эга экани мен учун улкан шарафдир.

**Муса НАРИМБЕТОВ,**  
Ажнийёз номидаги Нукус давлат педагогика институты талабаси:

— 2014 йил мен учун муҳим йил бўлди. Институт талабалари сафига қабул қилиндим. Шу йилнинг 21 декабрь куни давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайловда биринчи марта қатнашим, ҳеч шубҳасиз, мазкур йилда ҳаётимдаги залворли воқеалардан бирига айланади. Бу сиёсий тадбир ҳар бир сайловчи ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, жуда кўп нарса, хусусан, юртимиз келажаги айнан бизнинг овозимизга боғлиқ. Бугун биз, ёшлар зиммасидаги масъулиятни чуқур англаб етганмиз. Шунинг учун ҳам ўз фуқаролик бурчимизни амалга ошириш баробарида, жамиятда энг долзарб масалаларни ҳал қилишга бел боғлаган номзодларга овоз берамиз.

Аҳсам РАШИДБЕКОВ  
ёзиб олди.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи — ойига 118 400 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 231 575 сўм; болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 231 575 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 142 100 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 31 июлдаги ПФ-4639-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2014 йилнинг 15 декабридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2014 йил 21 ноябрь

# ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН: ҲАМКОРЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИКНИНГ КЎП АСРЛИК АНЪАНАЛАРИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Мамлакатларимиз ўртасида амал қилаётган яхши қўшничлик ҳамда ўзаро ҳурмат сиёсати туфайли савдо-иқтисодий ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. 2013 йили давлатларимиз ўртасидаги товар айир-бошлаш ҳажми 2012 йилдагига таққослаганда, 18 фоиз ўсгани ҳолда, 3 миллиард 244,0 миллион АҚШ доллари ташкил этди. 2014 йилнинг 9 ойи мобайнида эса у 3 миллиард 60,8 миллион АҚШ доллари етдики, бу 2013 йилнинг шу давридаги кўрсаткичга нисбатан 25,7 фоиз кўпдир.

Ўзбекистон Қозоғистонга озиқ-овқатлар ва тўқимачилик буюмларини, транспорт воситалари, хизматлар, ўғит, қурилиш материаллари ҳамда бошқа маҳсулотларни экспорт қилади. Ўз навбатида, мамлакатимиз Қозоғистондан қора ва рангли металллар, турли ёғ-мой маҳсулотларини импорт қилади.

1997 йил 2 июнь кунини имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида Эркин савдо тўғрисидаги Битим ва мазкур битимга эркин савдо тартибидан истиснолар ҳақидаги Протокол икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни тартибга соладиغان шартномавий-ҳуқуқий замин ҳисобланади.

Шу билан бирга, махсус тузилган Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий салоҳиятни намоён қилиш ҳамда ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Қўшма ва ҳорижий компаниялар фаолияти иқтисодий соҳасидаги самарали ҳамкорликнинг ҳаётга татбиқ этилишидаги яна бир муҳим омил ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида Қозоғистон капитали иштирокидаги 177 та корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Қозоғистоннинг 3 та фирма ва компанияси ваколатхонаси рўйхатга олинган. Бундан ташқари, Қозоғистон ҳудудида Ўзбекистон Республикаси резидентлари иштирокида 125 та корхона тузилган.

Икки мамлакат муносабатларида маданий-гуманитар соҳа алоҳида ўрин эгаллайди.

Статистика маълумотларида қайд этилишича, Ўзбекистонда қозоқ миллияти мансуб 813 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Юртимизда Қозоғистон маданият маркази, миллий-фольклор ва эстрада ансамбли, қозоқ театрлари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурда қозоқ адабиёти кенгаши тузилган.

Шунингдек, мамлакатимизда қозоқ тилида сабоқ бериладиган мактаблар фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, олий ва профессионал таълим олиш учун Қорақалпоғистон давлат университети ҳамда Тошкент давлат педагогика университетида қозоқ тили ва адабиёти кафедралари тузилган. Бундан ташқари, республикамиздаги бир қатор педагогика институтларида ҳам қозоқ тили ва адабиёти кафедралари мавжудлиги баробарида, бошқа фанлардан ҳам (физика, астрономия, жуғрофия, иқтисодий билим асослари, математика, информатика ва ҳоказо) қозоқ тилида сабоқ берилмоқда.

Мамлакатларимизнинг илмий ва таълим муассасалари ўртасида, хусусан, 2006 йили Хоразм Маъмун академияси билан Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан вазирлигининг Р. Сулаймонов номидаги Шарқшунослик институти ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум доирасида ўқув-методика материаллари, ўқитувчи ва талабалар алмашувлари йўлга қўйилган.

Икки давлат раҳбарларининг мунтазам мулоқотлари дўстона ва самарали мазмун-моҳиятга эга эканлиги икки томонлама муносабатларнинг барқарор ривожланишига кўмаклашмоқдаки, бу минтақавий барқарорликни янада мустақамлашнинг, Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлиги салоҳиятини намоён этиш ҳамда мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстона, яхши қўшничлик аънавларини қўллаб-қувватлашнинг кафолати ҳисобланади.

«Жаҳон» АА.

## СЕМИНАР

Пойтахтимизда Олий суд ва Олий ҳўжалик суди томонидан БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамда Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари, шунингдек, Европа Кенгашининг Венеция комиссияси ҳамкорлигида “Судлар фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш масалалари” мавзусида халқаро семинар ўтказилди. Унда Корея Республикаси, Словения, Болгария, Мальта давлатларидан келган экспертлар, умумий юрисдикция ва ҳўжалик судлари судьялари, Адлия вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда мутахассислар қатнашди.

# Суд амалиёти ва ахборот-коммуникация технологиялари

Тадбирда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, хусусан, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, соҳага оид қонунчиликни либераллаштириш, тизимни бугунги кун талаблари даражасида демократлаштириш ҳамда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш ва пировардида инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида рўёбга чиқарилаётган ишлар юқори самара бераётганлиги алоҳида таъкидланди. Айниқса, республикамизда

давлат бошқаруви соҳасини ахборотлаштиришнинг ва ахборот-коммуникация технологияларини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асосини тартибга солиш зарур норматив-ҳуқуқий база шакллантирилгани ва у АКТдан кенг фойдаланиш ҳамда давлат органлари фаолиятида электрон ҳужжат алмашинувини қўллаш учун зарур шарт-шароит яратганлиги хо-рижлик экспертлар томонидан юқори баҳоланди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси

асосида қабул қилинган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу борадаги ишларни яна бир поғона кўтарди. Зеро, Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, “Электрон ҳуқумат” тизимини, шу жумладан, бошқарув жараёнлари, шунингдек, бизнес соҳасига ва фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишни жадаллаштириши, ахборот тизимларининг идоралараро

ва идоравий комплексларни интеграция қиладиган миллий тизимни яратишни бугунги давр тақозо қилмоқда. Шундан келиб чиқиб, анжуман иштирокчилари мазкур чора-тадбирлар судларни тўлиқ ахборотлаштириш ва электрон суд иш юритувини татбиқ этиш учун ҳам зарур шарт-шароит яратаётганлигини қайд этишди.

Фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида “E-SUD” электрон суд иш юри-

туви тизими муваффақиятли йўлга қўйилгани мисолида ҳам буни кўриш мумкин. Мазкур тизимнинг асосий вазифаси суд электрон хизматларини шакллантириш, суд тизимининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш ҳамда судлар фаолиятига электрон ҳужжатлар алмашинувини жорий этишдан иборат.

Хорижлик экспертлар ҳўжалик судлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш юзасидан амалга оширилаётган кенг қўламли ишларни ҳам юқори баҳоладилар. Хусусан, 2013 йилнинг

1 январидан бошлаб ҳўжалик судларига давло аризалари ва илтимосномаларни электрон шаклда юбориш тартиби йўлга қўйилди. Шу мақсадда Олий ҳўжалик суднинг расмий веб-сайтида ишга туширилган ариза ва илтимосномаларни қабул қилиш бўйича марказлаштирилган электрон дастурий таъминот бугун самарали фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, шу йилнинг 1 сентябидан бошлаб ҳўжалик судларида суд мажлисларини видеоконференцалоқа режимда ўтказиш имкони яратилди. Бунинг учун мазкур муассасаларда суд мажлисларини видеоконференцалоқа режимда ўтказиш имкониятини берувчи замонавий технологиялар ўрнатилди. “Ўзбектелеком” компанияси билан ҳамкорликда ҳўжалик судлари оптик толали алоқа тармоғига уланди.

Таъкидланганидек, видеоконференцалоқа тизими нафақат тадбиркорлик субъектлари, балки суд муҳокамасида иштирок этувчи барча турдаги ҳўжалик юритувчи субъектлар ва давлат органлари вакиллари учун ҳам фойдалидир. Мазкур тизим ишга тушганидан буён 538 та суд мажлиси видеоконференцалоқа режимда амалга оширилди. 1141 нафар суд иштирокчилари ўзлари жойлашган ҳудудлардан чиқмаган ҳолда, видеоконференцалоқа режимда бошқа ҳудудда ўтказилган масофавий суд процессларида қатнашди. Муҳими, бу янгиликлар тадбиркорларга, умуман, фуқароларга катта қулайликлар яратмоқда.

Экспертлар қайд этганидек, судлар фаолиятига АКТни татбиқ қилиш одил судлов очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш, судларда ҳужжатлар алмашинувининг самарадорлиги ва тезкорлигини ошириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтиришда муҳим восита бўлиб, бу борада Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар диққатга сазовордир.

Муҳокама якунида тадбир иштирокчилари томонидан судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш механизминини янада такомиллаштириш юзасидан тақлим ва тавсиялар берилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## СЎЗ — ХАЛҚАРО СЕМИНАР ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Адриан АВЕЛЛИНО, ахборот-коммуникация технологиялари масаласи бўйича мустақил эксперт (Мальта):**

— Маълумки, ҳар бир соҳанинг мустақам қонунчилик асослари унинг ривожига муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон таърибаси мисолида бунга яна бир бор амин бўлдим. Бу ерда ўтган йиллар мобайнида Президентингизнинг бир қатор фармон ва қарорлари ҳамда қонунлар қабул қилинибдики, бу ахборот-коммуникация технологияларини жамиятнинг барча жабхалари, шу жумладан, судлар фаолиятига татбиқ этишда дастуриалмаёл бўлаётгани ҳақида ахборотга эга бўлдим.

Семинар иштирокчиларига бу борадаги Мальта таърибаси ҳақида маълумот бердим. Айни чоғда бу ердан илғор жиҳатларни ўргандим. Бу эса ҳамкорлик ҳар икки томон учун ҳам манфаатли эканлигини кўрсатади.

**Любомир ДИМОВ, ахборот технологиялари бўйича мутахассис (Болгария):**

— Мутахассис сифатида айтсам, суд мажлисини видеоконференцалоқа режимда ўтказиш кўламли ва афзалликларга эга. Аввало, узоқ йўл босиб, суд мажлисига бо-

ришга ҳамда ортиқча харажатларга ҳожат қолмайди. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида шу усулдан самарали фойдаланилади. Ўзбекистонда ҳам бу тизимнинг кенг жорий қилинаётганлиги таҳсинга сазовор. Семинарда ҳўжалик судларида суд мажлисини видео-конференцалоқа режимда ўтказиш имкони берувчи зарур техник ускуналар ўрнатилганлиги билан танишдик. Бу, албатта, судлар фаолиятининг янада очиқ ва ошқоралигига, энг муҳими, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли тарзда ҳимояланишига хизмат қилади.

**Арне МАВЧИЧ, профессор (Словения):**

— Ўзбекистонга учинчи бор келишим. Ҳар келганимда бу ерда салмоқли ўзгаришлар амалга оширилганлигига гувоҳ бўлман. Хусусан, суд-ҳуқуқ тизими ҳақида гапирсак, судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари изчил жорий этилаётгани менда катта таассурот қолдирди. Биз кун кеча бо-риб кўрганмиз, фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро суди фаолиятига муваффақиятли татбиқ этилган “E-SUD” электрон суд иш юритуви тизими нафақат мен, балки семинарнинг барча иштирокчилари то-

монидан катта қизиқиш билан ўрганилди. Ўзбекистоннинг бу борадаги таърибаси биз учун ҳам ибратлидир.

**Йом ХОЖУН,**

**Корея Республикаси Олий суди судьяси:**

— Дунёнинг ривожланган давлатларида ҳўжалик судлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш орқали тадбиркорлар манфаатлари ишончли ҳимоя қилинади. Юртингизда ҳам шунга интилиш бўлаётганлигини кўриб, қизиқишимиз янада ошди. Мана, мисол учун, ўтган йилдан ҳўжалик судларида давло аризалари ва илтимосномаларни қабул қилиш бўйича мазкур муассасаларда суд мажлисларини видео-конференцалоқа режимда ўтказиш имкони яратилди. Бунинг учун мазкур муассасаларда суд мажлисларини видео-конференцалоқа режимда ўтказиш имкониятини берувчи замонавий технологиялар ўрнатилди. “Ўзбектелеком” компанияси билан ҳамкорликда ҳўжалик судлари оптик толали алоқа тармоғига уланди. Таъкидланганидек, видео-конференцалоқа тизими нафақат тадбиркорлик субъектлари, балки суд муҳокамасида иштирок этувчи барча турдаги ҳўжалик юритувчи субъектлар ва давлат органлари вакиллари учун ҳам фойдалидир. Мазкур тизим ишга тушганидан буён 538 та суд мажлиси видео-конференцалоқа режимда амалга оширилди. 1141 нафар суд иштирокчилари ўзлари жойлашган ҳудудлардан чиқмаган ҳолда, видео-конференцалоқа режимда бошқа ҳудудда ўтказилган масофавий суд процессларида қатнашди. Муҳими, бу янгиликлар тадбиркорларга, умуман, фуқароларга катта қулайликлар яратмоқда.

Экспертлар қайд этганидек, судлар фаолиятига АКТни татбиқ қилиш одил судлов очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш, судларда ҳужжатлар алмашинувининг самарадорлиги ва тезкорлигини ошириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтиришда муҳим восита бўлиб, бу борада Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар диққатга сазовордир.

Муҳокама якунида тадбир иштирокчилари томонидан судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш механизминини янада такомиллаштириш юзасидан тақлим ва тавсиялар берилди.

# Бола манфаатлари қонун ҳимоясида

Ёшлар ижод саройида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 25 йиллиги ҳамда Соғлом бола йилига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

## ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш асо-сиацияси ҳамда БМТнинг Бола-лар жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда вазирлик ва идоралар вакиллари, юртимизнинг барча ҳудудидан келган 700 нафар ёш қатнашди.

Мамлакатимизда соғлом ва маънан етук авлодни тарбиялаш, улар-

нинг ҳаётда муносиб ўринларини топишларига кўмаклашиш борасида ибратли ишлар амалга ошириляпти. Бундан ташқари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом фарзандни дунёга келтириш бўйича олиб борилаётган савий-харажатлар алоҳида эътиборга лойиқ. Айниқса, жорий йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши барқамол авлодни вояга етказиш, бунинг учун барча шарт-шароитни яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканидан яққол далолат беради.

Д. АБДУРАИМОВ.

## ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистонда бюджет тизимини ислоҳ қилиш” қўшма лойиҳаси томонидан давра суҳбати ўтказилди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, давлат харидлари соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш бўйича идораларор ишчи гуруҳи аъзолари, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, БМТ Тараққиёт дастурининг вакиллари ҳамда халқаро экспертлар иштирок этди.

# Давлат харидлари тизими янада такомиллашади

Тадбирда таъкидланганидек, давлат харидлари тизими мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, айни чоғда унинг Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотидеги улуши 11 фоизга яқини ташкил этади. Бинобарин, давлат товарлар ва хизматларнинг йирик буюртмачиси ва истеъмолчиси. Шу боис у давлат харидлари жараёнини самарали амалга ошириш учун очиқ-ошқора ва рақобатли шарт-шароитларни шакллантириш чора-тадбирларини кўради. Ушбу соҳадаги фаолиятни ривожлантириш учун эса ҳаётий зарур қонунларни қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Давра суҳбатида Молия вазирлиги ва БМТ Тараққиёт дастурининг қўшма лойиҳаси доирасида миллий ҳамда халқаро шериклар билан ҳамкорликда тайёрланган “Давлат харидлари тўғрисида”-ги қонун лойиҳасининг асосий йўналишлари, аҳамиятли жиҳатлари, тақлим этилаётган янгиликлар тақдим қилинди. Қайд этилганидек, унинг қабул қилиниши бюджет маблағларини сарфлашнинг самардорлиги ва очиқ-ошқоралигини ошириш ҳамда кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини яхшилаш имконини беради. Бу эса, пировард натижада, мамлакат аҳолиси фаровонлиги янада ўсишига кўмаклашади.

— Тадбирда давлат харидлари жараёнининг асосий ташкилотлари вакиллари, соҳа мутахассислари, халқаро экспертлар билан ўзаро фикр алмашидик, — дейди Молия вазирлиги Газначилик бошқармаси бошлигининг ўринбосари Б. Сугирбаев. — Айниқса, қонун лойиҳасига манфаатдор томонлар асосли тақлимлар билдиришди. Айни чоғда биз ўз ишимизда халқаро таърибани ва энг яхши амалиётни ҳисобга олувчи миллий йўналишларни таъминлаш ишга чиқишга интиляпмиз.

Қизгин мунозара жараёнида сўзга чиққанлар мазкур ҳужжатни янада такомиллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Зиёда АШУРОВА.

# Таъминот ва тежамкорлик

Ер юзида аҳоли сони кўпайиши, янги экин майдонлари ўзлаштирилиши, ишлаб чиқариш тармоқлари ортиши, табиийки, сувга бўлган эҳтиёжни оширади. Бу эса, ўз навбатида, сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллашни, исрофгарчиликка барҳам беришни, обихаётга масъулиятли муносабатни шакллантиришни тақозо этади.

## ИСЛОҲОТ

Шу жиҳатдан олганда, Қорақалпоғистон Республикасида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилаётганини кўриш мумкин.

— Бошқармамиз Оролбўйи минтақасидаги шаҳар ва туманлар аҳолисига хизмат кўрсатади, — дейди “Туямўйин — Нукус” минтақалараро сув ўтказгичидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Зафар Хониезов. — Жорий йилнинг ўтган даврида 7 миллиард 883 миллион сўмлик 24 та лойиҳа рўёбга чиқарилиб, 25 та маҳалла ва овулда яшовчи 16 мингга яқин кишилар марказлашган ичимлик сувидан баҳраманд бўлди. Бунда тасарруфимиздаги магистраль сув тармоқлари, иншоотлар ва обихаётни тақсимлаш шохобчаларида олиб борилган тежамкор технологияларга асосланган янгиланишлар қўл келди.

Бундан ташқари, “Қорақалпоғистон Республикасини ичимлик суви билан таъминлаш ва ре-

конструкциялашнинг 2020 йилгача бўлган стратегияси”га мувофиқ, ўтган йили Манғит, Чим-



бой, Бўстон шаҳарлари ҳамда Қонлиқўл тумани марказида 2454,4 миллион сўмлик маблағ эвазига 15,7 километрлик обихаёт тармоқлари қуриб битказилди. Айни пайтда эса Нукус шаҳридаги 25 та кўп қаватли уй, “Дўстлик” канали бўйида барпо этилаётган ижтимоий соҳа объектлари, Беруний тумани марказидаги Халқлар дўстлиги ҳамда Беруний кўчаларини ичимлик ва оқова сув билан таъминлаш юмушлари қизгин давом эттирилмоқда.

Тахياتош шаҳридаги замонавий гидроиншоот ҳам киш мавсуми олдидан шай ҳолатга келтирилди. Ҳозир бу ерда бир кеча-кундузда 60 минг куб метр сув тозаланиб, Тахياتош шаҳри, Хўжайли, Қонлиқўл, Шуманай, Қўнгирот туманлари аҳолисига етказиб берилаяпти.

“Туямўйин — Нукус” минтақалараро сув ўтказгичидан фойдаланиш бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, яқин истиқболда



минтақада янги тармоқларни қуриш ва реконструкциялаш бўйича 42 миллиард 524 миллион сўмлик лойиҳаларни рўёбга чиқариш кўзда тутилган. Бу эса 60 та аҳоли пунктида истиқомат қилувчи 88 мингга яқин кишиларнинг хонадониди ичимлик суви таъминоти тубдан яхшиланиб, уларнинг турмуш даражаси юксалишидан далолат беради.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шумурот ШАРАПОВ олган суратлар.

ЖАХОННОҚ 24 СОАТ ИЧИДА

Сешанба кунидан бери АҚШнинг шарқий ҳудудларида ноқулай об-ҳаво шароити ҳукм сурмоқда.

Океанортида қалин қор ёғди

“Евроноьюс” телеканали хабарига кўра, шу қисқа вақт ичида бу ерда йиллик меъёрга тенг қор ёққан. Хусусан, аксарият жойларда унинг қалинлиги қарийб 2 метрга етган. Кўпчилик бир неча кундан бери уйдан ташқарига чиқа олмаяпти.



Иш ўринларини қисқартиради

Фаолиятини қайтадан ташкил этиш чораларини кўраётган “PSA Peugeot Citroen” (Франция) автомобилсозлик компанияси ушбу тадбир доирасида йил охиригача иш ўринларини 17 фоиз қисқартиришни режалаштирган.

Бу 11,2 минг нафар ходим билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинади, деганидир. 2015 йилда эса қўшимча равишда яна 2,45 минг нафар киши ишдан бўшатилади.

Олдинроқ мазкур компания сўнгги уч йил ичида илк бор, жорий йилнинг биринчи ярмида яна даромад олгани ҳақида хабарлар тарқатилган эди.

Платформада кўнгилсиз воқеа

